

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг очик сайёр суд мажлиси Фарғона тумани Марғилон м.ф.й. биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси А.Эргашев, судя ёрдамчиси Б.Комилжоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона туман прокурори катта ёрдамчиси Д.Дадахонов, судланувчи К.Чутибоев ва унинг химоячиси-адвокат М.Турдиматов ҳамда фуқаровий даъвогар Ш.Халиловнинг иштирокида, Чутибоев Кобилжон Абдукаххоровичга нисбатан бўлган 1-1502-2601/52-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Чутибоев Кобилжон Абдукаххорович (Chutiboyev Kobiljon Abdukaahxorovich) – 1968 йил 25 октябрь куни Фарғона туманида туғилган, миллати қирғиз (*ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматида муҳтож эмас*), Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “Farovon Vodil Ziyati” хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона тумани, Марғилон М.Ф.Й., Япағи кўчаси, 78-уйда яшайди, муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 6 февраль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди ва 189-моддаси 1-қисмида билан айбланган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўргазмаларини тинглаб, тарафларнинг музокараларини ҳамда судланувчининг музокара ва охирги сўзларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишдаги мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И :

К.Чутибоев Қ.Келдибеков ва Ҳ.Бахромов билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлгани ҳолда тадбиркорлик субъектларига яратилган имконият ва имтиёзларни назорат қилинмайдиган бойлик орттириш мақсадига эришиш йўлида суиистеъмол қилиб, бюджетга солиқларни тўлашда ифодаланган фуқаролик конституцион бурчини бажармасликни кўзлаб, тадбиркорлик субъектини ташкил қилиб, ушбу тадбиркорлик субъектини Қ.Келдибеков билан биргаликда бошқариб, корхона солиқ ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳужжатларини юритиш учун Ҳ.Бахромовни ҳисобчи сифатида жалб қилиб, ўзини тадбиркорлик субъектининг расмий раҳбари сифатида кўрсатиш орқали давлатнинг иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларни содир этишни режалаштирган.

Фарғона вилояти солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган солиқ текширувлари ва дастлабки тергов давомида тўпланган ҳужжатларга кўра



К.Чутибоевнинг раҳбарлигидаги “Farovon Vodil Ziynati” хусусий корхонасининг 2022-2024 йиллардаги фаолияти юзасидан солиқ ҳисоботларида солиқ солиш базасини қасддан камайтириб кўрсатиб, жами 135.424.300 сўм, яъни кўп миқдордаги солиқларни яшириб, тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлиги аниқланган.

Бундан ташқари ўтказилган текшириш давомида К.Чутибоевнинг раҳбарлигидаги “Farovon Vodil Ziynati” хусусий корхонаси фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги “Давлат солиқ хизмати органларида фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги 306-сонли қарори талаблари кўрилганда, жамият томонидан текшириш ўтказилган даврдаги фаолиятида жуда кўп миқдордаги 1.263.959.900 сўмлик маҳсулотлар нақд пулга сотилиб, сотувдан тушган нақд пул маблағлари назорат касса машинасига кирим қилинмасдан, банк кассаларига савдо тушуми сифатида топширилмаганлиги аниқланган.

Судланувчи К.Чутибоев судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатан ҳам кўшниси Келдибеков Қахрамон Шукуралиевич билан биргаликда даромад орттириш мақсадида Қирғиз Республикасидан қорамол ва қўйларни олиб келиб Ўзбекистон Республикасида сотиш билан шуғулланишни режа қилганликларини ҳамда Фарғона тумани Давлат хизматлари марказига биргаликда бориб, ўзини номига 2022 йил 4 октябрда “Farovon Vodil ziynati” хусусий корхонасини ташкил қилганини, ушбу корхона асосан қорамол ва қўйларни Қирғиз Республикасидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб ўтиб, уларни сотиш билан даромад кўриш мақсадида очилганини, у ва Қ.Келдибеков Қирғиз Республикасининг Новқат, Ўзган, Ўш, Учқўрғон ва Карван каби мол бозолардан қорамол ва қўйларни олиб келиб Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда декларант бу бўйича декларация тўлдириб ҳужжатларни қилиб бергандан сўнг улар олиб келинаётган уй ҳайвонларини қўшимча қиймат солиқларини тўлаган ҳолда Ўзбекистон ҳудудида олиб кириб келишганини ва бозорларда, уйларида сотишганини, кейинчалик у ва Қ.Келдибековнинг корхона орқали қонуний тарзда қўй ва молларни олиб кириб келаётганларини кўрган кўшнилари ҳам уни корхонаси “Farovon Vodil ziynati” хусусий корхонаси орқали Қирғизистондан қўй ва қорамолларни олиб кириш истагини билдиришиб, уни олдига келишганини ва у уларга розилик билдирганидан сўнг, маҳалладошлари Овчибеков Тилаволди, Суюнбеков Шермухаммад, Мадумаров Илхом, Шакиров Кудратилло, Абдуқаххоров Авазбек, Келдибеков Эркин, Келдибеков Олтинбек, Хусан, Таваккал, Муллабеков Руслан, Озодбек, Нурбек, Мухиддинлар 2023-2024 йиллар давомида қора молларни олиб киришни бошлашганини, у уларнинг барчасига олиб кирилган қорамолларни қўшимча қиймат солиқларини вақтида тўлашлари кераклигини айтганида, улар божхонадан молларни олиб кириш бўйича қилинадиган харажатларни барчасини унга тўлаганидан сўнг, у ушбу тўловларни корхонаси орқали тўлаб берганини, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 7-январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” Низомига асосан Фарғона вилоят солиқ бошқармасининг 2025-йил 21-апрель кунги 01639-сонли ва 2025-йил 7-май кунги 01711-сонли буйруқлари



билан Фарғона вилоят солиқ бошқармаси ходими Х.Хасанов томонидан раҳбарлигидаги "Farovon Vodil ziynati" ХК нинг 2022-2023-йиллар ва 2024-йил январ-июнь фаолиятида камерал солиқ текширувида аниқланган ҳолатлар юзасидан 2025-йил 12 май куни солиқ аудити ўтказилганини, корхона томонидан 2024-йилнинг январь-июнь ойларида қўшимча қиймат солиғисиз қиймати 5 156 324,2 минг сўмлик 1436-та чорва моллари озиқлантириш учун ЭХФ орқали озуқа маҳсулотлари харид қилинмаганлиги ва тақдим этилган солиқ ҳисоботларида реализацияда кўрсатилмаганлиги натижасида белгиланган 12 % ставкада 618 758,9 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмасдан қолаётганлиги шубҳа остига олинганини, юкоридагилардан келиб чикиб корхонага қўшилган қиймат солиғи учун 618 758,9 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланганини, юкорида келтирилганларга асосланиб, корхонада ўтказилган камерал солиқ текширувида аниқланган тафовут, хато ва камчиликларни бартараф қилиш ва ихтиёрий тўлаш ҳақида Фарғона вилоят Солиқ бошқармаси томонидан унинг электрон манзилига 2024-йил 28 октябрь куни 30-99156-сонли талабнома юборилганини, корхона томонидан 2025 йил 22 май куни 5031537-2025-сонли алоқа хати солиқ бошқармасига юборилган ҳамда унга асосан қайта кўриб чиқиш жараёнида 857 бош 1.131.203 сўмлик қўй камомадига йўл қўйганлиги учун Ўзбекистан Республикаси Солиқ Кодексининг 223-моддасига асосан корхонанинг йўл қўйган камомадига нисбатан 135.744.385 сўм қўшимча қиймат солиғи қўшимча ҳисобланганини, ушбу Қарорга асосан шаклланган 135.744.385 сўм қўшимча қиймат солиғини у ва Келдибеков Қахрамон Шукуралиевич ҳозирги кунда тўлиқ бартараф этиб бўлганини, у раҳбарлик қилиб келган "Farovon Vodil Ziynati" хусусий корхонада расмий ҳисобчи лавозими мавжуд эмаслигини, бироқ корхонанинг фаолияти бўйича солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва солиқ идораларига юбориш бўйича Қ.Келдибеков билан келишиб, қўшни маҳаллада яшовчи олдинлари бугалтерлик билан шуғулланган эски таниши Бахромов Хайдаралини ёлланма ҳисобчиликка олганини, у томонидан солиқ ҳисоботлари улар тақдим этган ҳужжатларга асосан тайёрлаб солиқ органларига топширганини, ўзига нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, етказилган зарар қопланганлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик ва чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини топади, жумладан:

Фуқаровий даъвогар Ш.Халилов видеоконференцалоқа режимида судда, ҳақиқатдан ҳам у ҳозирда Фарғона вилояти солиқ бошқармасида юридик бошқармаси шўбаси бош юристконсултанти лавозимида 2024 йил октябрдан буён ишлаб келаётганлигини, унинг вазифаларига солиқ бошқармаси номидан судларда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ва шу кабилар киришини, мазкур жиноят иши бўйича фуқаровий даъвогар сифатида жалб қилинганини, Фарғона вилояти солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган солиқ текширувлари ва дастлабки тергов давомида тўпланган ҳужжатларга кўра К.Чутибоевнинг



расмий раҳбарлигидаги “Farovon Vodil Ziynati” хусусий корхонасининг 2022-2024 йиллардаги фаолияти юзасидан солиқ ҳисоботларида солиқ солиш базасини қасддан камайтириб кўрсатиб, жами 135.424.385 сўм, яъни кўп миқдордаги солиқларни яшириб, тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлиги аниқланганини. ушбу аниқланган зарар тергов ҳаракатлари даъвомида тўлиқ қайтарилганлигини, шунга кўра К.Чутибоевга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатма берди.

Судланувчи К.Чутибоевнинг содир этган жинояти, қилмишидан пушаймон бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, тушунтириш хатлари, комиссия экспертiza хулосалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Судланувчи К.Чутибоев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди ва 189-моддаси 1-қисми билан дастлабки тергов жараёнида ўзига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлиги, жиноят иши бўйича тўпланган далилларни инкор қилмаслиги, жиноят иши бўйича ўз ҳаракатининг моҳияти ва оқибатини тўлиқ англаб етганлиги, ишда иштирок этаётган ҳимоячи М.Турдиматов билан ўзаро маслаҳатлашганлиги, тергов органи томонидан қўйилган гумонни ва айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни инкор этмаслигини инobatга олиб, айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузишлик учун прокурорга илтимоснома билан мурожаат қилган.

Фарғона туман прокурори 2026 йил 5 февраль куни айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишда айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари таъминланиб, ЖПКнинг 586<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлиги инobatга олиниб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилган.

Суд, судланувчи К.Чутибоевнинг жинoий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи К.Чутибоевнинг кўп миқдорда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаши, шунингдек савдо ҳамда хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишдаги жинoий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди ва 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни муҳокама қилиб, судланувчи, прокурор ва ҳимоячининг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлаш ҳақидаги фикрини тинглаб, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузишда судланувчи К.Чутибоевнинг процессуал ҳуқуқлари таъминланиб, ЖПКнинг 586<sup>1</sup>-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлигини, судланувчи ўз ҳаракатлари моҳияти ва оқибатини англаб етиб, келишувни ихтиёрий равишда тузганлигини ва уни қўллаб-қувватлашини ҳамда содир этилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини инobatга олиб, келишувни тасдиқлашни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши керак”лиги;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, “Давлат органи томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, ушбу Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, қайд этилган Қонун ва Пленум қарори талабларига риоя қилиб;

Судланувчи К.Чутибоевга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, судланувчининг айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, етказилган зарар қопланганлигини ва айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилганини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб баҳолаб, содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилигини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

Шунингдек суд, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Фарғона вилоят бошқармасининг АТИБ “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган етказилган зарарни қоплаш учун тўланган 122.825.000 сўмни ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Фарғона вилояти солиқ бошқармаси ҳисобрақамига ўтказишни лозим топди

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 586<sup>8</sup>-моддаларига амал қилиб, суд



## ҲУКМ ҚИЛДИ:

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

Судланувчи Чутибоев Кобилжон Абдукаҳхорович (Chutiboyev Kobiljon Abdukaххorovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди ва 189-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Чутибоев Кобилжон Абдукаҳхоровичга:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57<sup>2</sup>-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 2-қисмига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси иш жойида ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Фарғона тумани ИИБ Пробация бўлимига зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг К.Чутибоевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Фарғона вилоят бошқармасининг АТИБ “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган, етказилган зарарни қоплаш учун тўланган 122.825.000 сўм ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Фарғона вилояти солиқ бошқармаси ҳисобрақамига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоят, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация шикоят бериш ва прокурор протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Эргашев

нусхаси аслига тўғри,

